

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Қонунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

НООЗИҚ-ОВҚАТ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ АССОРТИМЕНТИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2.08.2012 йилдаги 234-сон қарори билан 2012–2015 йилларда ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар қабул қилинди.

2011–2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор вазифалари тўғрисида ҳамда рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш ва ўзлаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида тасдиқланган дастурларни амалга ошириш доирасида фақат 2011 йилнинг ўзидагина тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж саноатида 14 та янги корхонани ҳамда чарм-пойабзал саноатида 15 та корхонани ишга тушириш таъминланди. Бундан ташқари, яна 14 та тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж ҳамда 17 та чарм-пойабзал

корхоналарида ишлаб чиқариш қувватлари модернизация қилинди ва кенгайтирилди.

Бироқ аҳолининг ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор равишда ортиб бораётган тўловга қодир эҳтиёжи мамлакатимизда ноозик-овқат истеъмол товарлари, энг аввало, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини жадал кўпайтиришни ва турларини кенгайтиришни талаб қилмоқда. Шу сабабли ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган замонавий, сифатли ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш таъминланишини давом эттириш мақсадида Қарор билан 2012–2015 йилларда тўқимачилик ва чарм-пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларининг мақсадли параметрлари белгиланди.

Шунингдек Ҳукумат томонидан тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж саноатида 10 та лойиҳа ҳамда чарм-пойабзал саноатида 36 та лойиҳани ўз ичига олувчи 2012–2014 йилларда янги корхоналарни ташкил этиш ва амалдаги корхоналарни модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳалари рўйхати тасдиқланган. Инвестиция

лойиҳаларида кўрсатилган тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж корхоналарининг маҳсулотлари уларни ишлаб чиқариш ҳажмининг камида 50 фоизи миқдоридан экспортга реализация қилиниши керак. Чарм-пойабзал саноати корхоналарининг маҳсулотлари эса ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, шунингдек маҳсулотни экспортга етказиб беришни кенгайтириш дастурлари доирасида ички бозорни янада тўлиқ таъминлашга ва импортнинг ўрнини қоплашга йўналтирилиши керак.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ: АХБОРОТНИ ОЧИБ БЕРИШ ЯНГИ ҚОИДАЛАРИ ТАСДИҚЛАНДИ

Давлат мулки кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи (АВ томонидан 31.07.2012 йилда 2383-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари тасдиқланди.

Мазкур Қоидалар давлат қимматли қоғозлари

3-бетда

ЎЗБЕКИСТОНДА СУҒУРТА ИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Суғурта фаолияти шундай воситаки, у тасодифий ҳодиса-воқеалар оқибатида йўқотилган ёки бой берилган ресурсларни тиклаш жараёнини молиялаштиришни мақбуллаштиради ҳамда шу йўл билан давлат бюджети чекига тушадиган молиявий юкни анчагина камайтиради.

Суғурта давлатнинг ажралмас вазифаси сифатида, давлат фаолиятининг стратегик йўналиши сифатида иқтисодий талафот ва бой беришларни имкон қадар камайтиришга олиб келади. Суғурта иши инфляция омили бўлмиш давлат харажатлари кўпайиб ва бюджет тақчиллиги ортиб боришидек бағоят жиддий макроиқтисодий муаммолардан ҳоли бўлишга ёрдам беради. Ортиқча пул массасини чалғитувчи, муомаладан қолдирувчи суғурта фаолияти инфляцияга қарши таъсир кўрсатади ва шу сабабли унга мамлакат тўлов балансини шакллантиришнинг мақбул омили деб қараш лозим. Ўзбекистоннинг суғурта бозоридаги ҳозирги аҳвол ва уни янада ривожлантириш бугунги кунда долзарб мавзу бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон суғурта бозори профессионал қатнашчилари уюшмасининг бош директори Олимжон ЖУМАОЕВ мухбиримизга мамлакатимизда суғурта ишини ривожлантириш тамойиллари ва истиқболлари ҳақида гапириб берди.

– Олимжон Азаматович, ўзингиз анчагина муваффақиятли тарзда ишлаб келаётган бу соҳада қанақа янгиликлар бор?

– Янгиликлар, аниқроғи, анчагина ижобий янгиликлар бор. Куни кеча Ўзбекистон суғурта бозори профессионал қатнашчилари уюшмасининг мамлакат суғурта индустрияси инфратузилмасини ривожлантиришга бағишланган биринчи конференцияси бўлиб ўтди. Унда эришилган ютуқ ва натижалар сарҳисоб этилиб, суғурта брокерлиги, аджастерлар, ассистанслар институтларига ҳамда суғурта фаолиятига яқин бошқа йўналишларга қўйилганидек тезкор суръатлар билан ривожланиш имкониятини бермаётган масалалар, шу жумладан мавжуд муаммолар ҳам, келгусида учраб қолиши эҳтимоли бўлган муаммолар ҳам муҳокама этилди.

– Бундай мавзу танланишига, сизнингча, нима сабаб бўлди?

– Суғурта бозори профессионал қатнашчилари уюшмасига асосан суғурта компаниялари бирлашган. Улар суғурта бозорида асосий роль ўйнамоқда, бинобарин уларнинг ривожлантирилиши умуман олганда тармоқ бозори ривожлантирилишини тақозо этади.

Менинг фикримча, мазкур босқичда бозорнинг раванг топиши учун миқдорий ўзгаришлар эмас, сифат ўзгаришлари зарур.

2007 йили мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов томонидан «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор имзоланди. ПҚ-618-сон ана шу қарорга биноан 2007–2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури қабул қилинди, шунингдек Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисидаги низом

тасдиқланди. Бу суғурта бозори профессионал қатнашчиларининг роли ва вазифалари жаҳон стандартларига мувофиқ равишда аниқ ва муфассал баён этилган биринчи ва афтидан, собиқ шўролар маконида ҳозирча ягона ҳужжат бўлиб қолмоқда. Ана шу ҳужжат туфайли «аджастер», «актуарий», «сюрвейер», «ассистанс» сингари касб ва мутахассисликлар инфратузилманинг асосий вакиллари сифатида биринчи марта норматив асосда тасдиқ топди.

– «Суғурта бозори инфратузилмаси» дегани нима ўзи?

– Суғурта бозори инфратузилмаси деганда суғурта бозори профессионал қатнашчиларининг ҳамда суғурта компанияси бўлмаган бошқа тузилмаларнинг фаолиятининг тушунмаслик керак. Бу суғурта қилдирувчилар суғурта хизматлари олиш учун, уларнинг манфаатлари янада тўлақонли тарзда ҳимоя этилиши учун, суғурта хизматларининг жалб этувчанлик хусусияти ва бахраманд этиш доираси кенгайиши учун янада мақбулроқ, янада қулайроқ шароитлар яратишга қаратилган тадбирлар мажмуи, сифат стандартлари ва бошқа қатор тизимлар йиғиндисидан иборатдир.

Ўз навбатида, инфратузилма суғурта истеъмолчилари манфаатларига хизмат эта бориб, суғурта компанияларига хизматлар қўлама ва доирасини кенгайтириш юзасидан янада кўпроқ имкониятлар таъмин этишни, таклифлар хилма-хиллигини таъминлаш ҳамда хизматларнинг янги турларига бўлган талаб-эҳтиёжни рағбатлантиришни кўзлайди ва шу жиҳати билан ҳам компаниялар учун муҳим аҳамият касб этади. Инфратузилма суғурта ҳимоясини суғурта ишининг сифатига бўлган янги стандартлар ва талаблар билан янада яхшилаб бориши жоиз бўлган институтдир.

– Инфратузилманинг бугунги ҳола-



тини қандай баҳолаган бўлур эдингиз?

– Таассуфки, Ўзбекистонда суғурта бозорининг турли тузилмалари муваффақиятли фаолият юритиши учун қулай муҳит ва керакли қонунчилик асослари яратилганлигига қарамай, суғурта инфратузилмаси ҳозирча етарлича ривож топмаган. Бугунги кунда мамлакатда учтагина суғурта брокери фаолият кўрсатмоқда. Ҳолбуки, суғурта хизматлари истеъмолчисининг профессионал вакили сифатида суғурта брокерининг роли жуда катта ва муҳимдир. Ўз ишининг профессионали тариқасида суғурта брокери суғурта ҳодисаси юзга келган тақдирда лозим даражада суғурта тўловини таъминлаш ва суғурта қилдирувчига суғурта тўловини тўлаш амалга оширилиши учун барча қонуний асосларни назарда тутиши ва айнан шу йўл билан талаб даражасидаги ҳимояга муҳтож истеъмолчига шундай ҳимояни таъмин этиши мумкин.

Фикримча, суғурта брокерлари институтини ривожлантириш йўналишида кўпроқ иш олиб боришимиз лозим, бу эса пировард натижада истеъмолчиларнинг суғурта хизматларига бўлган ишончи ошишига, суғурта маҳсулотлари сифати яхшиланиб, аҳолининг суғурта маданияти юксалишига олиб келади.

Жумладан, парламентнинг қуйи палатаси томонидан қабул қилиниб, юқори палатаси томонидан маъқулланган ва 2012 йил 12 апрелдан эътиборан кучга кирган «Суғурта фаолияти тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгаришлар ва

2-бетда

ЎЗБЕКИСТОНДА СУГУРТА ИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

1-бетда

кўшимчалар киритиш ҳақида»-ги Қонун мазкур соҳадаги муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилгандир.

Ўзида миллий қонунчиликнинг энг яхши тажрибасини ва халқаро ҳуқуқ нормаларини мужассам этган ана шу Қонундаги ўзгартишлар ва қўшимчалар суғурта маданияти ошишига, соҳада қўлланиб келинаётган тушунчалар янада аниқлик касб этишига, тарафларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқий муносабатлари чуқурроқ расамадга солинишига, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси кучайтирилишига ёрдам беради, суғурта тўлови тўлаш манбалари кенгайтирилиши ва тўлов тўла ҳажмда амалга оширилишини таъминлайди.

– **Мамлакат Президентининг «2012–2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорига¹ мувофиқ хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари билан бир қаторда суғурта ишининг асосий турларини ривожлантириш кўрсаткичлари ҳам белгилаб берилган. Бу соҳада ҳозир ишлар қай аҳволда?**

– Шунинг эслатиш жоизки, мазкур қарорда таъкидланганидек, мамлакат иқтисодиётида диверсификациялаш ва таркибий ўзгартишларга доир комплекс собитқадам чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида ялпи ички маҳсулотда хизмат кўрсатиш улуши ошиб, 2005 йилдаги 38,7 фоиздан 2011 йилда 50,5 фоизга етди. Хизмат кўрсатишнинг замонавий, юқори технологияларга асосланган ва бозор турлари – ахборот-коммуникация, банк, суғурта, лизинг, туристик-экскурсия ва бошқа хил хизматлар илдам суръатлар билан ривожланмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига 2006–2011 йилларда 1,1

млн янги иш жойлари барпо этилди, бу иш асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жабҳасида амалга оширилди.

Шу билан бирга кўрсатилаётган хизматларнинг, айниқса қишлоқ жойлардаги хизматларнинг эришилган даражаси ва сифати иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар даражасига ҳозирча мувофиқ эмас, қолаверса, мамлакат аҳолисининг реал талаб-эҳтиёжларига, мавжуд ресурслар ва имкониятларига ҳам мос эмас.

Кўрсатилаётган хизматларнинг, энг аввало қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматларнинг турларини жадаллик билан кенгайтириш ва сифатини худди шу тарзда яхшилаш мақсадида 2012–2016 йилларда Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури маъқулланди ҳамда сервиснинг асосий турларини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари белгиланди. Унда назарда тутилишича, хусусан, 2016 йилга бориб, хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улуши 55 фоизга етади.

Мазкур Дастурни муваффақиятли тарзда амалга ошириш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитларни таъмин қилиш мақсадида номи қуйида зикр этилган қарорнинг 5-иловасида келтирилган рўйхат бўйича хизматлар кўрсатувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлаш бўйича имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2017 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди (*мамлакат Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006–2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 17.04.2006 йилдаги ПҚ-325-сон қарори билан белгиланган*).

Ана шу рўйхатга бошқа молиявий ва банк

хизматлари қатори суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари хизматлари ҳам қиради. Прогноз кўрсаткичларга кўра бу хизматларнинг ўсиш суръатлари 2016 йилга бориб 2,2 марта ошиши керак.

Шу билан бирга мамлакатимизда тадбиркорликни, хусусан суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантириш учун турли чора-тадбирлар кўриломоқда. Ўзбекистон Президентининг 16.07.2012 йилдаги ПФ-4453-сон Фармони билан статистик, солиқ ва молия ҳисоботларини, лицензияланган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш назарда тутилди. Президентнинг 18.07.2012 йилдаги ПФ-4455-сон Фармони² қоидаларини рўёбга чиқариш иши эса суғурта бозори инфратузилмасинигина эмас, балки барча турдаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Шу муносабат билан Уюшмамиз ўз-ўзини бошқарадиган ташкилотлар институтини жорий этишни тавсия қилмоқда.

– **Бундай ташкилот ҳақида кенгроқ тушунча бера олмайсизми?**

– Ўз-ўзини бошқарувчи ташкилот аъзо бўлишга асосланган, тармоқ ёки товарлар (ишлар, хизматлар) бозори бирлигидан келиб чиқиб, профессионал фаолиятнинг битта туридаги хўжалик юритувчи субъектларни бирлаштирувчи, ўз фаолиятини ўзи бошқариш мақсадида ташкил этилган нотижорат ташкилотдир. Ўз-ўзини бошқарувчи ташкилотнинг асосий ғояси муайян соҳадаги хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текшириш ва назорат қилиш вазифаларини давлат зиммасидан бозор қатнашчиларининг зиммасига ўтказишдан иборатдир. Шу зайил давлат зиммасидан ортқча вазифалар олиб ташланади, шунинг натижасида бюджет харажатлари камаёди. Ўз-ўзини бошқарувчи ташкилот жорий этилиши билан фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш бекор бўлади, негаки, бу иш ўз-ўзини бошқариш ташкилотига аъзо бўлиб кириш билан амалга оширилиши мумкин.

– **Наҳотки шу билан барча муаммолар ҳал бўлса?**

– Статистик ҳисобот ҳажми камайиши суғурта бозоридаги аҳвол ҳақида ахборот йиғиш муаммосини йўққа чиқармайди, албатта. Зотан, бундай ахборот йиғиш ҳисоботни кенгайтиришни, бошқа жиҳатлар бўйича янада муфассалроқ маълумотлар тўплашни тақозо этади. Тармоқни ривожлантиришга оид муҳим кўрсаткичлар ва давлат дастурлари бажарилишига оид ахборотларни йиғиш масаласи ҳам муҳим бўлиб қолмоқда. Ана шу жараёнда ўз-ўзини бошқарувчи ташкилот барпо этилиши давлат аппарати зиммасига тушадиган юкни кўпайтирмаган ҳолда керакли ахборотларни йиғиш масаласини ҳал этиш имконини беради.

– **Аммо буларнинг ҳаммаси норматив жиҳатдан мустақамланмоғи керак шекилли. Бу борада чет элларда муайян тажриба борми?**

– Ҳа, ўз-ўзини бошқариш ташкилотига оид халқаро амалиёт ва норматив база бор. Булар жумладан қуйидагилардан иборат: Ўз-ўзини бошқарувчи ташкилот тўғрисидаги модел қонун – МДҲга аъзо давлатлар Парламентларо Ассамблеясининг 29-ялпи мажлисида қабул қилинган (31.10.2007 йилдаги 29-7-сон қарор);

Украинадаги «Хўжалик фаолияти соҳасида давлат назорати (контроли) асосий принциплари тўғрисида»ги 5.04.2007 йилда қабул қилинган қонун;

Россиядаги «Ўз-ўзини бошқариш ташкилотлари тўғрисида»ги 1.12.2007 йилда қабул қилинган 315-Ф-3-сон Федерал қонун.

Ўз-ўзини бошқарувчи ташкилот институтининг барпо этилиши бизнинг «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» деган миллий ғоямизга тўла маънода монанд бўлади.

– **Қизиқарли суҳбат учун сизга ташаккур. Суғурта соҳасида либераллаштириш жараёнлари янада теранлик ва тезкорлик касб этади, деб умид қиламиз. Бу эса таҳдид-таваккалчиликларни ва сарф-харажатларни камайтиради.**

Маъруф УСМОНОВ,

«Норма» газеталари бирлашган таҳририяти МЧЖ бош консультанти.

¹ 10.05.2012 йилдаги ПҚ-1754-сон қарор.

² «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон.

МДҲ ВА БОЛТИКБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	10.08.2012	1	0,7854	1	0,9656	1	0,0248
Арманистон	10.08.2012	1	412,97	1	506,92	1	12,94
Беларусь	11.08.2012	1	8310	1	10190	1	260,50
Грузия	11.08.2012	1	1,6433	1	2,0165	1	5,1518
Қозоғистон	11.08.2012	1	149,71	1	183,83	1	4,70
Қирғизистон	11.08.2012	1	47,0811	1	57,8227	1	1,476
Латвия	13.08.2012	1	0,572	1	0,702804	1	0,018
Литва	13.08.2012	1	2,8114	1	3,4528	10	8,8024
Молдова	10.08.2012	1	12,5338	1	15,4348	1	0,3965
Тожикистон	11.08.2012	1	4,7645	1	5,9358	1	0,1512
Ўзбекистон	07.08.2012	1	1909,21	1	2339,16	1	58,68
Украина	10.08.2012	100	799,30	100	983,2189	10	2,539
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246
Россия	11.08.2012	1	31,8974	1	39,1923	-	-

Манба: www.prime-tass.ru

Эълонлар

СОТИЛАДИ

Совуткич камера 3600 м³. 1 йилда ўзини оқлайди (850 000)*. Тел.: 926-32-23, 451-85-00.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

«ASR ADVOKATI» адвокатлик бюроси қуйидаги хизматларни кўрсатади: исталган мураккабликдаги хўжалик низолари, жиноят ишлари, дебиторлик қарзларини ундириш*. Тел.: (+99890) 989-19-07, (8371) 242-46-23.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, (+99893) 545-83-69.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. 448-74-69.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

ХИЗМАТЛАР

ТАРЖИМАЛАР БЮРОСИ: юридик, техник, тиббиётга оид матнларни таржима қилиш. Тасдиқлатиш. Легаллаштириш. Тел.: 252-38-71, 808-79-76.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

Инвентаризация. Бухгалтерия ҳисоби. Кузатув. Таъсисчилар. Кўчмас мулк. Очиш. Тугатиш. Тел. 806-28-46; факс 278-11-66. E-mail: 49koshelev@mail.ru

Картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел.: 127-15-28, 914-67-79.

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз **1, 3-бетлар**

✓ СУГУРТА БОЗОРИ

– Ўзбекистонда суғурта ишнни ривожлантириш имкониятлари
– Валюталар курси **1-2-бетлар**

✓ ЮРИДИК МАСЛАХАТЛАР

– Аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар талаблари
– Тиббий техникани мутахассис таъмирлаши лозим
– Таҳсил олдингми – ишлаб бер

– Ўриндошнинг меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар

– Диплом ишдан бўш вақтда ҳимоя қилинади
– Йўловчи ташиш хизмати: тушум тўлиқ инкассация қилиниши керак
– Кичик бизнесга кенг йўл очиб **4-6-бетлар**

✓ ОФРИҚЛИ НУҚТА

– Гараж муаммоси: нима қилмоқ керак? **7-бет**

✓ КўП БИЛГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

– Суғурта чинакам ёрдам, аммо бойиш воситаси эмас **8-бет**

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

эмитентларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Ҳужжатга мувофиқ ахборотни ошкор қилиш ОАВда эълон қилиш ёхуд ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа ахборот тақдим этиш орқали амалга оширилади. Хусусан, ахборот қимматли қоғозлар эмиссия рисоласида, эмитентнинг йилнинг ҳар чорагидаги ва йиллик ҳисоботида ёки эмитентнинг фаолиятидаги муҳим фактлар тўғрисидаги хабарларда ошкор қилиниши мумкин.

Низомда шунингдек ахборот туси, ҚҚБ профессионал иштирокчилари, қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчилари, уларнинг эгалари ҳамда инвесторлар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати белгиланган.

Шунингдек ахборотни ошкор қилиш муддати, жумладан, у ишланмайдиган кунга тўғри келганда ҳам, қатъий тартибга солинган.

ДМҚ ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи (АВ томонидан 31.07.2012 йилда 1671-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан ДМҚ ҳузуридаги ҚҚБФМНҚМ бош директорининг қимматли қоғозлар эмитентлари ва инвесторларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда «Биржа» газетасида нашр этиш йўли билан уни ошкор қилишни назарда тутадиган буйруқлари (АВ рўйхат рақами 1671, 7.04.2007 йил; АВ рўйхат рақами 1671-1, 28.05.2010 йил) ўз кучини йўқотган деб топилди.

2012 йил 10 августдан кучга кирди.

ЧИҚИНДИЛАР ТАШЛАНИШИ ТАРТИБГА СОЛИНАДИ

Тошкент шаҳар ҳокимининг 7.07.2012 йилдаги 579-сон қарори билан Тошкент шаҳрида маиший чиқиндиларни ажратиш, тўплаш, йиғиш, ташлаш ва ташкилий равишда олиб чиқиб кетиш бўйича қоидалар тасдиқланди.

Ҳужжатга мувофиқ, юридик ва жисмоний шахслар чиқиндиларни ажратиш, қуйидаги махсус пакетларга жойлаштиришлари керак:

- пластмасса чиқиндиларни (темир бўлмаган консерва банкалари, баклажалар ва ҳ.к.) – ҳаворанг пакетларга;
- қоғоз чиқиндиларини (газета, журналлар ва ҳ.к.) – оқ рангли пакетларга;
- озиқ-овқат чиқиндиларини (пўчок, мева, полиз ва сабзавот маҳсулотларининг қолдиқлари) – сариқ рангли пакетларга;
- бошқа чиқиндиларни – қора пакетларга.

Симобли лампалар махсус идишга солинади ва белгиланган жойга ташланади.

Бунда чиқиндиларни ташлаш жойлари тегишли рангдаги контейнерлар билан таъминланиши керак.

Қурилиш чиқиндилари, шох-шабба ва барг-хазонларни чиқинди олиб кетувчи ташкилот билан шартнома тузган ҳолда ёки ўзлари ёллаган махсус автотранспорт воситасида чиқиндилар ташлаш учун белгиланган жойга олиб бориб ташлашга мажбурдирлар. Қурилиш чиқиндилари-

ни маиший чиқиндилар билан аралаштиришга йўл қўйилмайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар) ва ХУМШлар тегишли жойларда чиқиндиларни ташлаш тартиби, ҳудудга бириктирилган Махсустранинг махсус автотранспорти, унинг келиш муддатлари ҳамда алоқа боғлаш телефонлари ҳақидаги ахборот ёзилган тахталарни ўрнатишлари керак. Чиқиндиларни олиб кетиш муддатлари ва вақтини Махсустранинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишади.

Мазкур қарор талабларига риоя этмаган шахслар санитария қонун ҳужжатлари, санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларини бузганликлари учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг (МЖТК) 53-моддасига мувофиқ:

фуқаролар – ЭКИХнинг 1 бараваридан 3 бараваригача, мансабдор шахслар – ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жаримага тортилади.

Уларга шунингдек:

саноат, рўзғор чиқиндилари ва ўзга чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, утиллаштириш, кўмиб ташлаш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун: фуқароларга ЭКИХнинг 1/3 қисмидан 1 бараваригача, мансабдор шахсларга – ЭКИХнинг 1 бараваридан 3 бараваригача (МЖТКнинг 91-моддаси);

поездларнинг вагонлари, автомобиль ва шаҳар электр транспортдан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш учун – ЭКИХнинг 1/10 қисмидан 1/2 қисмигача миқдорда (МЖТКнинг 123-моддаси) жарима солинади.

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг ҳудудларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш, шунингдек тозалик ва санитария тартибини таъминлаш қоидаларига риоя қилмаслик учун фуқароларга ЭКИХнинг 1/2 қисмидан 1 бараваригача, мансабдор шахсларга – ЭКИХнинг 1 бараваридан 2 бараваригача миқдорда жарима солинади.

2012 йил 1 августдан кучга кирди.

ИМЗО НАМУНАЛАРИ НОТАРИАЛ ТАСДИҚЛАНМАЙДИ

Адлия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 30.07.2012 йилда 2090-6-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритилди.

Эндиликда барча тадбиркорлик субъектлари (тижорат ташкилотлари, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари, яқка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритаётган деҳқон хўжаликлари) банк ҳисоб-рақамларини очиш учун имзолар намуналарини нотариал тасдиқлаш заруратидан озод этилганлар.

Бундай талаб нотижорат ташкилотлари, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари, норезидентларнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасалари, чет эл давлатларининг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва чет эл давлатлар ҳукумат ташкилотларининг

ваколатхоналари учун сақлаб қолинмоқда.

Шунингдек тугатувчи ёхуд юридик шахснинг тугатиш комиссияси томонидан тайинланган шахс имзоларининг намуналарини нотариал тасдиқлаш талаби ҳам бекор қилинди.

2012 йил 9 августдан кучга кирди.

БОШ БУХГАЛТЕР ИМЗОСИ ШАРТ ЭМАС

Марказий банк бошқарувининг қарори (АВ томонидан 31.07.2012 йилда 1122-10-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Киритилган ўзгартиришларга биноан микрофирмалар энди бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширадиган шахслар рўйхатини тасдиқлаши шарт эмас. Уларнинг пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари банк томонидан ижро учун биринчи нусхада (асл нусхада) бухгалтернинг имзосисиз қабул қилинади, у мансабдор шахслар имзолари намуналари ва асосий муҳрнинг изи карточкасида кўрсатилган имзолар ичида мажбурий эмас.

Ўзгартиришлар билан шунингдек Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тақдим этилган ҳужжатлар бўйича ноқонуний олинган маблағлар ва жарималарни ундириб олиш учун хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларига Молия вазирлиги томонидан инкассо топшириқномаларини қўйиш имконияти чиқариб ташланди.

2012 йил 10 августдан кучга кирди.

Марказий банк бошқарувининг қарори (АВ томонидан 31.07.2012 йилда 1948-7-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритилди.

Чунончи, микрофирмаларга энди бухгалтер имзоси намуналарини банкка тақдим этиш талаб қилинмайди. Фаолиятини юридик шахс ташкил қилмасдан амалга оширувчи деҳқон хўжаликлари раҳбарлари ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар думалоқ муҳр бўлмаганда банкка ўз имзолари намуналарини тақдим этиш билан кифояланишлари мумкин.

2012 йил 10 августдан кучга кирди.

ИЮЛДАН БОШЛАБ 12 ТА СТАТИСТИКА ҲИСОБОТИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ДАВРИЙЛИГИ ҚИСКАРДИ

Давлат статистика қўмитасининг қарори (АВ томонидан 30.07.2012 йилда 2283-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан 2012 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклига ўзгартиришлар киритилди.

Ҳужжат Президентнинг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш

чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4453-сон Фармонига мувофиқлаштирилган. Эслатиб ўтамиз, 2013 йил 1 январдан бошлаб давлат статистика ҳисоботининг айрим шакллари бекор қилинмоқда, айримларини тақдим этиш даврийлиги эса 2012 йилнинг июль ойи ва 2013 йил 1 январдан бошлаб қисқармоқда.

2012 йил 9 августдан кучга кирди.

БОР-ЙЎҒИ 4 СОАТ КИФОЯ ҚИЛАДИ

Давлат статистика қўмитасининг қарори (АВ томонидан 31.07.2012 йилда 2251-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Электрон захирага олиш тизими ва фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасининг ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Уларга мувофиқ фирма номини захирага олиш учун электрон талабномалар www.stat.uz сайтига кеча-кундуз юборилиши мумкин. Электрон талабномани олгач, Давлат статистика қўмитасининг масъул ходимлари фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасига тегишли ёзувни киритиш йўли билан, 4 иш соатидан ошмаган муддатда қулай фирма номини захирага олиш бўйича зарур ҳаракатларни амалга оширишлари шарт (бундан олдин ушбу таомил учун 8 иш соати ажратилган).

Мазкур ҳужжат Президентнинг 18.07.2012 йилдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-4455-сон Фармонида ҳам мувофиқлаштирилган.

2012 йил 10 августдан кучга кирди.

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИ ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИГА УЛАШ МУДДАТЛАРИ ЎЗГАРТИРИЛДИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг буйруғи (АВ томонидан 31.07.2012 йилда 1323-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоғида телефон алоқа хизматларини кўрсатиш қоидаларига ўзгартиришлар киритилди.

Энди хўжалик юритувчи субъектларнинг телефон тармоқларига уланиши 10 кун муддатда таъминланиши керак (бундан олдин ушбу ишларни бажариш муддати техник имконият мавжуд бўлганда ариза тақдим қилинган кундан бошлаб 30 кундан, техник имконият мавжуд бўлмаганда ҳамда ариза берувчининг ҳисобига етишмаётган алоқа тизимини ўтказишни инобатга олган ҳолда – пудрат шартномаси тузилган пайтдан бошлаб 180 кундан ошмаслиги керак эди).

2012 йил 10 августдан кучга кирди.

Ҳужжатларга қисқача шарҳларни эксперт-юристаримиз Елена ЕРМОХИНА ва Сардор ДЖУМАШОВ тайёрладилар.

АККРЕДИТИВ БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАЛАБЛАРИ

МЧЖ технологик ускунани етказиб беришга Корея компанияси билан импорт контракти тузди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун МЧЖ кредит олди. Контракт шартларига кўра МЧЖ мол етказиб берувчига тасдиқланмаган аккредитив тақдим этиши керак, бироқ банк аккредитив тасдиқланган бўлишини талаб қиляпти, ҳолбуки кредитга ҳужжатлар расмийлаштирилаётганда банкнинг барча инстанциялари, шу жумладан ТИФ бўлими, МЧЖга кредит беришга ижобий баҳо берган эдилар. Банкнинг ҳаракатлари тўғрими?

Фирма директори.

– Мазкур вазиятдан кўринадик, МЧЖ билан банк (эмитент банк) ўртасида кредит шартномаси (Фуқаролик кодексининг 744-моддаси, бундан кейин – ФК) ва банк ҳисобварағи шартномаси (ФКнинг 771-моддаси) тузилган. Шартнома тарафи сифатида эмитент банк ҳисоб-китоблар бўйича зиммасига олинган мажбуриятларни бажаришда ўз хатарларини камайтириш мақсадида шартномага қўшимча талабларни (мазкур ҳолда – чақириб олинмайдиган тасдиқланган аккредитив тўғрисида талабни) қўйишга ҳақлидир. Аккредитивларнинг айни шундай шакли халқаро амалиётда энг кўп тарқалган. Умумий қоидаларга кўра аккредитив бўйича ҳисоб-китоб қилиш чоғида шартнома шартларини бузганлик учун миждо олдида эмитент банк, эмитент банк олдида эса ижрочи банк жавобгар бўлади. ФК 802-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларига кўра маблағларни олувчи олдидаги жавобгарлик, агар ижрочи банк қопланган ёки тасдиқланган аккредитив бўйича пул маблағларини тўлашдан асоссиз равишда бош тортса ёки аккредитив шартларини бузиш оқибатида нотўғри тўлаган бўлса, ижрочи банкка юк-

латилиши мумкин.

Бироқ ФКнинг 382–385-моддаларига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасига кўра банк шартнома шартларини бир тарафлама тартибда ўзгартира олмайди. Қўшимча шартларни белгилаш учун тарафларнинг келишувига эришиш керак, акс ҳолда масала хўжалик судига мурожаат этиш йўли билан ҳал этилади.

Аккредитив бўйича ҳисоб-китобларнинг умумий талабларини очиб берамиз. Аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар нақдсиз ҳисоб-китобларга киради ва улар ФКнинг 796–803-моддалари меъёрлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низом (МБ бошқарувининг АВ томонидан 15.04.2002 йилда 1122-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) билан тартибга солинади.

Аккредитив – банкнинг (эмитент банкнинг) шартнома бўйича маблағ олувчининг фойдасига тўлов ўтказиш (бошқа банкка (ижрочи банкка) фармойиш бериш) мажбуриятидир. Бундай мажбуриятни эми-

тент банк шартнома бўйича мазкур тўловчига аккредитив очиш тўғрисидаги топшириққа кўра ўз зиммасига олади. Мазкур топшириқда бажариш чоғида тўлов амалга оширилиши керак бўлган шартлар қайд этилади.

ФКга кўра аккредитив қопланган (депонентланган) ва қопланмаган (кафолатланган), шунингдек чақириб олинмайдиган ва чақириб олинмайдиган бўлиши мумкин. Чақириб олинмайдиган аккредитив тасдиқланган бўлиши мумкин.

Қопланган (депонентланган) аккредитивни очаетганда эмитент банк ташкилот (тўловчи) ҳисобварағидан аккредитив суммасини ҳисобдан чиқаради ва уни ижрочи банкнинг тасарруфига ўтказиши керак. Қопланмаган (кафолатланган) аккредитивда маблағлар эмитент банкка аккредитив очишни топширган ташкилот ҳисобига захирага олинмайди. Ижрочи банк унда очилган эмитент банкнинг ҳисобварағидан маблағларни ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини олади.

Чақириб олинмайдиган аккредитивни маблағ олувчини (ташкилот контрагентини) олдиндан хабардор қилмасдан туриб ўзгартириш ёки чақириб олиш мумкин. Агар унинг матнида бевосита бошқа нарса кўрсатилмаган бўлса, ҳар қандай аккредитив чақириб олинмайдиган бўлишини шу ўринда қайд этиб ўтамайди.

Маблағ олувчининг розилиги билангина бекор қилиниши мумкин бўлган аккредитив чақириб олинмайдиган деб топилади. **Ижрочи банк томонидан тасдиқланган чақириб олинмайдиган аккредитив тасдиқлаш эмитент банк учун қўшим-**



ча кафолат ҳисобланади ва ижрочи банк аккредитив шартларига мувофиқ тўловни амалга ошириш мажбуриятини зиммасига олишини, демак, уни бузган ёки тўламаган тақдирда ФКда белгиланган жавобгарликка тортилишини ҳам билдиради. Тасдиқланган аккредитив ижрочи банкнинг розилигисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

Аккредитивни бажариш учун маблағ олувчи (ташкилот контрагенти) ижрочи банкка аккредитивнинг барча шартлари бажарилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этади. Агар ижрочи банк тўловни аккредитив шартларига мувофиқ амалга оширган ёки бошқа операцияни бажарган бўлса, эмитент банк у қилган харажатларни қоплаши шарт. ФК аккредитив бўйича тўловчи ташкилот зиммасига эмитент банкнинг юқорида кўрсатилган харажатларини, шунингдек аккредитивни бажариш билан боғлиқ бошқа барча харажатларини компенсациялаш мажбуриятини юклайди.

ТИББИЙ ТЕХНИКАНИ МУТАХАССИС ТАЪМИРЛАШИ ЛОЗИМ

Якка тартибдаги тадбиркор тиббий техникани таъмирлаш, унга техник хизмат кўрсатиш ва уни ўрнатиш хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига эгами?


Ушбу хизмат кўрсатиш маиший ва бошқа хизматларга кирадимми?

Р.Раимбеков.

– Фикримизча, тиббий техниканинг бир қисмини радиоэлектрон аппаратура, офис машиналари ва ҳисоблаш техникасига киритиш мумкин, шу боис якка тартибдаги тадбиркорлар уни ўрнатиш, таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатишлари мумкин (Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатининг¹ 25-банди). Бироқ биз бундай хизматлар кўрсатишни тавсия қилмаймиз, чунки тиббиёт ва фармацевтика соҳасидаги ҳар қандай фаолиятга юқори талаблар

қўйилади, ҳуқуқий йўл билан юридик шахсни ташкил этган ҳолда ушбу талабларни таъминлаш осонроқ кечади, зеро бунда фуқароларнинг соғлиғи ҳақида сўз боради.

Ўзбекистонда тиббиёт муассасалари ва аҳолининг замонавий тиббиёт ускуналари ва технологияларига талаби, уларни қондира оладиган таклифларнинг тайёрланишини ўрганиш, шунингдек даволаш-профилактика муассасалари, ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини замонавий тиббиёт ускуналари ва буюмлари билан таъминлаш, тиббиёт ускуналарини ўрнатиш



ва ишга тушириш, уларга **техник хизмат кўрсатиш**; соғлиқни сақлаш муассасаларини техник жиҳозлаш юзасидан лойиҳалар ва техник-иқтисодий асосланмаларни ишлаб чиқиш; техник ускуналарга техник хизмат кўрсатувчи муҳандис-техник ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш билан «Ўзтиб-техника» акциядорлик компанияси шуғулланади.

2011 йил январдан бошлаб тиббиёт техникаси ва асбоб-ускуналарига хизмат кўрсатиш билан шуғулланмайдиган юридик шахсларнинг ходимларига меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича махсус талаб-

лар қўйилмоқда (Тиббиёт техникасидан фойдаланиш, монтаж қилиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари²).

Ўзбекистон тиббиёт хизматлари бозорида техника ва ускуналарни таъмирлаш истагида бўлган якка тартибдаги тадбиркорга қуйидаги талаблар қўйилади:

биринчидан, керакли даражада созланган ускунадан фойдаланиш фаолиятининг лицензия талабига кирадиган шифокорлар ва фармацевтлар ишончини қозонадиган даражада юқори тайёргарлик ва тегишли малакага эга бўлиш;

иккинчидан, меҳнатни муҳофаза қилишга доир махсус талабларга риоя этиш;

учинчидан, қимматбаҳо замонавий тиббиёт ускунасини импорт қилиш ва унга хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи **юридик шахслар эҳтиёт қисмларни бевосита етказиб бериб, кафолатли таъмирлашни таъминлашлари**, бунинг учун ўз

сервис хизматларини очишларини инобатга олган ҳолда хизматлар бозорида жиддий рақобатга дош бериш.

Тиббиёт ва фармацевтика фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар тиббиёт техникаси ва ускуналарини таъмирлаш хизматларининг асосий буюртмачилари бўлганликлари сабабли ушбу хизматларни маиший хизматлар туркумига киритиб бўлмайди.

Фуқаролик кодексининг 656–665-моддалари, «Истеъмолчилар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш қоидаларига³ мувофиқ таъмирлаш фуқароларнинг шахсий буюртмаларига кўра маиший эҳтиёжларини қондириш учун бажарилгандагина маиший ва бошқа хизматлар (маиший пудрат) деб қаралади. Тўғри, мураккаб бўлмаган биронта тиббиёт техникаси ва ускунасини аҳоли уй шароитида ишлатилиши рўқач қилиш мумкиндир, бироқ уларни таъмирловчи якка тартибдаги тадбиркор бундан мунтазам даромад топа олмайди.

¹ВМнинг 7.01.2011 йилдаги 6-сон қарорига 1-илова.

²МАИМҚВнинг АВ томонидан 5.01.2011 йилда 2177-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

³ВМнинг 12.10.1995 йилдаги 399-сон қарорига 5-илова.

ТАҲСИЛ ОЛДИНГИМИ – ИШЛАБ БЕР

ТАТУни тугатяпман, ишга тушганлигимиз ҳақидаги маълумотномасиз бизни малака ишларини ҳимоя қилишга қўйишмади. Ишга ўз хоҳишим билан жойлаша оламани ёки тақсимот бўйича Ўзбекистонда 3 йил ишлаб беришим шартми? Бюджетчи ўз дипломини «сотиб олиши» ва уни олий ўқув юртини тугатиши билан дарҳол олиши мумкинми?

Николай, битирувчи.

– Давлат грантлари асосида ўқиган олий ўқув юртининг битирувчилари тақсимот бўйича камида 3 йил Ўзбекистонда ишлаб бериши керак.

Барча таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида таҳсил олган олий таълим муассасалари бакалавр ва магистрлари 2005–2006 ўқув йилидан бошлаб мажбурий тартибда камида 3 йил Ўзбекистонда ишлаб бериш шarti билан таълим муассасаларига, корхона ва ташкилотларга ишга тақсимланади (Президентнинг 2.06.2005 йилдаги ПҚ-92-сон қарори; Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисида Низом¹, бундан кейин – 1506-сон Низом).

Бу вақтгача тақсимот фақат олий ўқув юртларининг педагогик йўналишлари ва ахассисликларига таҳсил олаётган битирувчиларигагина тааллуқли бўлган, улар фақат таълим муассасаларига тақсимланган.

Ҳар бир ўқув йили бошида (сентябрда) олий таълим муассасасининг бакалаврияти ва магистратурасига грант асосида қабул қилинган талабалар билан олий ўқув юрти ўртасида ўқиш туганидан кейин камида 3 йил Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасалари, корхоналари, ташкилотларида ишлаб бериш тўғрисида шартнома тузилади.

Битирувчиларни эгаллаган таълим йўналиши ва касбий тайёргарлигига кўра тақсимлашни мувофиқлаштириш учун тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар, идоралар ҳузурида махсус комиссиялар тузилади. Улар берувчиларнинг буюртмаларини шакллантиради ва битирувчининг ўзлаштириш рейтингини, оилавий шароити, доимий яшаш жойи ва таклиф этилаётган

иш жойида ишлаш истагини ҳисобга олган ҳолда ишга тақсимлайди.

Комиссиянинг иши йиғилишларнинг баённомалари ва битирувчиларни шахсан тақсимлаш қайдномалари билан расмийлаштирилади. Бўш иш жойларини тақсимлашда хоҳишига кўра олий ўқув юртни контракт асосида тугатган талабалар ҳам иштирок этишлари мумкин. Олий таълим муассасаси тақсимот комиссияси иши тугагандан сўнг бир ҳафтадан, бироқ битирувчи ўқишни тугатган кундан сўнг 3 кундан кечиктирмай, ишга юборилаётган ҳар бир битирувчига қуйидаги хужжатларни беради:


олий маълумот тўғрисидаги дипломдан кўчирма;

ишга юборилганлик тўғрисидаги йўлланма;

тақсимот комиссияси қароридан ва тақсимот рўйхатидан кўчирма.

Комиссия иш билан таъминлай олмайдиган бюджет асосида битирувчиларга мустақил ишга жойлашиш имконияти берилади ва кўрсатилган муддатларда бундай имконият берилганлиги тўғрисида маълумотнома ва олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг асл нусхаси берилади. Олий таълим муассасаси ректори кўрсатилган хужжатларни битирувчига ўз вақтида берилишига шахсан жавобгардир. Битирувчи тақсимот бўйича 3 йил ишлаб берганидан кейин 1506-сон Низомга мувофиқ олий ўқув юрти меҳнат дафтарчасига асосан унга бир ҳафта ичда дипломнинг асл нусхасини беради.

Шу тариқа, **битирувчи иш билан таъминланмаган ва унга мустақил ишга жойлашиш имконияти берилган ҳолдан ташқари, битирувчи 3 йиллик муддат тугамасдан дипломни оли-**



ши мумкинлиги тўғрисида қоида, шунингдек грант асосида ўқиш учун давлат бюджетига маблағларни тўлаш қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган.

Таҳсилдан сўнг ҳарбий хизматга киришмаган олий ҳарбий таълим муассасалари (ОХТМ) ва сержантлар тайёрлаш мактабларини (СТМ) битирувчиларнинг мажбуриятлари бошқача тартибга солинади. Уларни ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини, ОХТМ ва СТМда ўқишни тугатган мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ҳарбий хизматчилари, агар шартнома талабларини бажармаганлиги ёки содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этилиши сабабли шартномада кўрсатилган 5 йиллик муддатдан илгари захирага бўшатишга, қайтардилар (Ҳарбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим муассасалари ва сержантларни тайёрлаш мактабларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини давлатга ундириш тартиби тўғрисидаги Низом², бундан кейин – 2024-сон Низом).

Олдин муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ОХТМ курсантини ўқитиш учун сарфланган бюджет маблағлари ва ундириладиган маблағлар ҳажми 5 йиллик ўқиш учун – захирага бўшатишга вақтида Ўзбекистон Республикасида белгиланган ЭКИХнинг 430 бараварига, 4 йил учун – 350 бараварига тенг. Олдин муддатли ҳарбий хизматни ўтамаган ОХТМ курсантидан 5 йиллик ўқиш муддати учун – захирага бўшатишга вақтида ЭКИХнинг 350 баравари, 4 йил учун –

270 бараварига тенг ҳажмда маблағлар ундирилади. Ҳарбий хизматчининг СТМда ўқитишга сарфланган бюджет маблағлари ҳажми унинг захирага бўшатишга вақтида ЭКИХнинг 40 бараварига тенг даражада ундирилади.

Ҳарбий хизматни ўташдан бош тортиши, шартнома талабларини бажармаганлиги ёки содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этилиши муносабати билан ҳарбий хизматдан бўшатишга ҳарбий хизматчиларга 2024-сон Низом талаблари ҳамда тегишли вазирликлар ва муассасалар томонидан белгиланган тартибга кўра, олий ҳарбий таълим муассасасини тугатганлиги ҳақидаги давлат намунасидаги диплом ва унга илова, ўқитишга сарфланган бюджет маблағлари ундирилгандан сўнг берилади.

Ўқиш учун сарфланган бюджет маблағларини қайтармаган шахсларга кейинчалик ишга жойлашиш учун дипломнинг вақтинчалик берилмаслик сабаблари кўрсатилган ва олий маълумотга эга эканлиги тўғрисида маълумотнома ҳамда ўзлаштирган ўқув фанлари рўйхати, уларнинг ҳажми ва баҳолари қайд қилинган диплом иловасидан кўчирма берилади.

ОХТМ ва СТМда ўқитишга сарфланган бюджет маблағлари қуйидаги ҳолатларда ундирилмайди, агар:

а) ҳарбий хизматчини шартнома муддати тугагач, шунингдек соғлиғи туфайли, штатлар қисқариши сабабли ундан ҳарбий хизматда фойдаланишнинг имконияти йўқлиги ёки вазирлик ва муассасаларнинг ташаббуси билан давлат ва ҳарбий сирлардан хабардор бўлиши рад этилган ёки шу ҳуқуқ бекор қилиниши билан бўшатишга;

б) ҳарбий хизматчининг ота-онасидан бири ҳуқуқ-тартибот органлари ёки ҳарбийлаштирилган органларнинг ходими бўлиб хизмат вазифасини ўтаётганда ҳалок бўлган бўлса;

в) ҳарбий хизматчи ҳалок бўлганлиги (вафоти) муносабати билан қисм шахсий таркиби рўйхатидан ўчирилган бўлса.

Римма СОЛОДОВНИКОВА, эксперт-юристимиз.

¹ИВ, ОЎМТВ, ХТВ ва МАИМКВнинг АВ томонидан 6.08.2005 йилда 1506-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

²Мудофаа вазирлиги, ИИВ, ФВВ, МВ, МХХ, ДБҚ ва ЎзААнинг АВ томонидан 27.10.2009 йилда 2024-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

Бевосита мулоқот

ЎРИНДОШНИНГ МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИДАГИ ЁЗУВЛАР

Меҳнат дафтарчасида ўриндошлик тўғрисидаги ёзув қайд этилиши учун, аризадан ташқари, яна қандай хужжатлар тақдим этилиши керак?

Татьяна.

– Меҳнат дафтарчасига **ходимнинг ёзма аризасига биноан**, ўриндошлик иши тўғрисидаги маълумот ходимни ўриндошлик асосида ишга қабул

қилган иш берувчи томонидан **чиқарилган буйруққа мувофиқ** асосий иш жойидаги иш берувчи томонидан ёзилади (АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома 2.12-бандининг тўққизинчи хатбошиси).

Ўриндошлик бўйича иш тўғрисидаги ёзув расмийлаштириладиганда 1-устунда ёзувнинг тар-

тиб рақами; 2-устунда ходимни ўриндош сифатида ишга қабул қилиш санаси кўрсатилади; 3-устунга ходимни корхонанинг тегишли таркибий бўлимига қабул қилиш (тайинлаш) тўғрисида ёзув киритилиб, унинг аниқ номланиши қайд этилади; 4-устунда ходим ўриндош сифатида ишга қабул қилиниши тўғрисида иш берувчининг буйруғи (фармойиши) ёки бошқа қарорининг санаси ва тартиб рақами кўрсатилади.

Ўриндошлик бўйича меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги ёзув ҳам худди шундай тартибда қайд этилади.

Корхонанин олий ўқув юрти кундузги бўлимида ўқийдиган, ўқишдан бўш вақтда ишлайдиган ходимига давлат имтиҳонларини топшириш ва диплом ҳимоя қилиш учун Меҳнат кодексининг 256-моддасига мувофиқ ҳақ тўланадиган таътил бериладими?


Ф.Абдуллаева, бош юриконсульт.

ДИПЛОМ ИШДАН БЎШ ВАҚТДА ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИ

– Меҳнат кодексининг (МК) 256-моддасига биноан олий ва ўрта махсус ўқув юртларида **кечки ва сиртки шаклда таълим олувчиларга** лаборатория-имтиҳон сессиясида иштирок этиш, битирув имтиҳонларини топшириш, шунингдек диплом лойиҳасини (ишини) тайёрлаш ва ҳимоя қилиш даврида ўртача иш ҳақини сақлаган ҳолда қўшимча таътиллار берилади.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида кундузги шаклда таълим олувчи талабалар эса таълим олишни ўқишдан бўш вақтда меҳнат шартномаси шартларида бажариладиган иш билан бирга олиб борадилар. Шу сабабли МКнинг 256-моддасида назарда тутилган кафолатлар уларга татбиқ этилмайди.

Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ, эксперт-юристимиз.



ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ХИЗМАТИ: ТУШУМ ТЎЛИҚ ИНКАССАЦИЯ ҚИЛИНИШИ КЕРАК

ЯСТ тўловчиси бўлган корхонамизнинг асосий фаолият тури (ХХТУТ бўйича коди – 51121) йўловчиларни ташиш бўйича транспорт хизматларини кўрсатишдан иборат. Бу фаолият турини амалга ошириш учун махсус лицензияга эгамиз.

2010 йилнинг май–декабрь ойлари мобайнида пул ўтказиш йўли билан нефть маҳсулотини (бензин) харид қилиш имкониятига эга бўлмаганлигимиз сабабли уни автобус ҳайдовчиларининг кунлик тушуми ҳисобидан нақд пулга сотиб олдик (буни тасдиқловчи тегишли қвитанциялар мавжуд). Бунда кунлик тушум 100 минг сўми, ҳайдовчилар топширган тушум миқдори 80 минг сўми ва чек орқали харид қилинган бензин миқдори 20 минг сўми ташкил этган. Банкка 80 минг сўм кунлик тушум инкассация қилинган.

Бизнинг вазиятда солиқ қонунчилиги бузилиши содир этилганми?
Корхона директори.

– 2010–2011 йилларда амалда бўлган Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга (АВ томонидан 15.02.1995 йилда 124-сон билан рўйхатдан ўтказилган, 2012 йил 23 февралдан ўз кучини йўқотган) 1-илованинг 1-бандига кўра аҳолига хизмат кўрсатишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан тасдиқланган шакллар бўйича қатъий ҳисобот ҳужжатлари ҳисобланадиган қвитанциялар ёзиб берадиган, талонлар, чипталар ва уларга тенглаш-

тирилган бошқа чеклар берадиган корхона, ташкилот ва муассасалар аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни НКМни қўлламасдан амалга оширишлари мумкин.

Бу 2010–2011 йилларда ҳайдовчи ва йўловчи ўртасида амалга ошириладиган йўл ҳақи учун ҳисоб-китобларда НКМни қўлламаслигини мумкинлигини билдиради, бироқ сизда ҳисобда турадиган чипталарни ишлатишингиз шарт. Йўловчиларни ташиш бўйича фаолиятда чипталарнинг бўлиши зарурдир, зеро улар йўловчиларни ташиш хизматлари учун ҳақ тўланганлиги далилини тасдиқлайдиган

ҳисоб ҳужжатлари ҳисобланади. Сотилган чипталарнинг сонига қараб, ташилган йўловчилар сони ва ташишдан олинган даромад суммаси аниқланади.

Сизнинг вазиятингизда ҳақиқатдаги кунлик тушум 100 минг сўми ташкил этиб, йўловчиларни ташиш хизматлари учун ҳақ тўланганлиги далилини тасдиқлайдиган ҳисоб ҳужжатлари мавжуд бўлган ҳолда хизмат кўрсатувчи банкка 80 минг сўм топширилган ва чек орқали харид қилинган бензин миқдори 20 минг сўми ташкил этади.

Бинобарин, Президентнинг 9.08.1996 йилдаги «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-1504-сон Фармонида асосан барча чакана савдо корхоналари, шунингдек аҳолига хизмат кўрсатувчи корхоналар тушган нақд маблағларни ҳар куни банк муассасаларига топширишлари шарт. Ушбу талабни бузиш тушумни яшириш деб ҳисобланади ва унга қонунга мувофиқ жазо чоралари қўлланилиши белгиланган.

Жумладан, Солиқ кодексининг 114-моддасига асосан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумларни яшириш (ка-

майтириб кўрсатиш) яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммасига тенг миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш мақсадида ҳисобга олинмайди ҳамда мажбурий оид ҳуқуқбузарлик юзасидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

Ушбу нормани қўллаш мақсадлари учун товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш) деб товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганлиги ҳоллари ҳужжат билан тасдиқланганда уларни реализация қилишдан тушган тушум суммасининг ҳисобга олиш регистрларида акс эттирилмаганлиги тушунилади.

Хулоса қилиб айтганда, банк муассасасига 100 минг сўмлик кунлик тушум ўрнига 80 минг сўми топширингиз Солиқ кодексининг 114-моддаси ва ПФ-1504-сон Фармон талабларини бузиш ҳисобланади.

Жавобни экспертиза
Фуломжон Тўлаганов
тайёрлади.

Таҳлил

КИЧИК БИЗНЕСГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧИБ

Мустақиллик йилларида миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрини ва мавқеига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада қатор қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди, дастурлар ишлаб чиқилди ва улар самарали ишлаб турибди.

Мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар бу соҳани ривожланган хорижий мамлакатлардаги унинг ўрни билан бемалол қиёслаб бўла-

диган даражага кўтарди: мисол учун АҚШда кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 50-52 фоизни, Буюк Британияда 50-53 фоизни, Японияда 52-55 фоизни ташкил қилади. Респуб-

ликаимизда эса бу кўрсаткич 2011 йил якуналарига кўра 54 фоизни, қурилиш соҳасида 69 фоизни ва чакана савдо айланмасида 47 фоизни ташкил этган.

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ*

Кичик бизнес субъектларининг улуши, фоизда	Йиллар							
	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
ЯИМда	35,6	38,2	42,1	45,7	48,2	50,1	52,5	54,0
Ишлаб чиқаришда	10,7	9,8	10,0	12,9	13,9	16,9	19,9	21,0
Экспортда	7,3	6,0	10,7	14,8	12,3	14,6	13,6	16,3

*Маълумотлар Давлат статистика қўмитаси ахборотидан олинган.

2012 йил 1 январь ҳолатига кўра мамлакатимиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони (фермер хўжаликларини ҳисобга олмганда) 218,8 мингтани ташкил этади, бу эса улар сони ўтган йил давомида 17,2 мингтага ўсганидан далолат беради.

Соҳа ривожини учун қулай шарт-шароитлар яратиш, унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ва кенг қулоч ёйишини рағбатлантиришда солиқ сиёсати муҳим аҳамият касб этмоқда.

2011 йилда ягона солиқ тўлови ставкасининг микрофирма ва кичик корхоналар учун 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши натижасида қарийб 80,3 млрд сўмлик бўшаб қолган маблағларни ишлаб чиқаришни технологик

янгилаш ва замонавий техникани жорий этишга йўналтириш имконини берди. Жорий йилда ҳам мажбурий субъектлардан олинмаган солиқ юки сезиларли даражада камайтирилди – саноат соҳасидагилар учун ЯСТ ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга пасайтирилди.

Ўзбекистон Президентининг 16.07.2012 йилдаги ПФ-4453-сон Фармонида статистик, солиқ ва молия ҳисоботларини, лицензияладиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш назарда тутилган бўлса, 18.07.2012 йилдаги ПФ-4455-сон Фармонида ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш кўзланган.

Хусусий тадбиркорлик субъектларини рағбатлантиришнинг қуйидаги афзалликларини келтириб ўтиш мумкин:

1. Улар бозор муносабатлари тез ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади;
 2. Улар фаолиятини бошлаш учун йирик миқдордаги капитални жалб қилиш шарт эмас;
 3. Мустақил хўжалик юритишга ундайди ва жамғармалардан кўра инвестицион самарадорликнинг ошишига таъсир кўрсатади;
 4. Ички бозорнинг истеъмол товарлари билан тўлдирилиши ва рақобатнинг ривожланишига ижобий таъсир этади;
 5. Ишсизлик муаммосини ҳал этишда қўл келади.
- Шу билан бирга, бугунги кун-

да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тўла қувват билан ишлаб кетиши ва саноатда ўз ўрнига эга бўлиши учун ечимини кутаётган бир қанча масалалар ҳам мавжуд. Хусусан, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида қандай маҳсулотларни ва қанча миқдорда ишлаб чиқариш, уларни истеъмолчиларга тақдир этиш усуллари тўлиқ таҳлил қилиш муҳим саналади. Сифатли ва рақобатдош товарлар ва хизматлар тақдир этишни такомиллаштириш учун кичик бизнес субъектлари бозорни чуқур таҳлил қилишни амалга оширишда маркетинг бўйича юқори малакага эга бўлишлари талаб қилинади. Бундан ташқари, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида

тижоратнинг энг такомиллашган усули бўлган электрон савдо бозори ривожланиб бормоқда ва тадбиркорларнинг асосий товар айланмаси шу бозор орқали амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуни ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган «Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (30.01.2007 йилдаги 21-сон) мамлакатимизда ҳам бу тизим янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Барногул САНАҚУЛОВА,
Тошкент молия
институтининг ўқитувчиси,
и.ф.н.
Фиёсиддин МАВЛАНОВ,
талаба.

Реклама

МУЗЛАТКИЧ ВА САВДО УСКУНАЛАРИ

AZN
TECHNO



Тошкент ш., Боғишамол кўч., 160
Тел.: (+998 71) 234-34-75, 234-12-69
235-11-30, 216-09-00, 217-09-57

ISO халқаро стандартларига мос равишда ишлаб чиқарилган
WWW.AZN.UZ
E-mail: azn@azn.uz
маҳсулот сертификатланган

ГАРАЖ МУАММОСИ: НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Ассалому алайкум, ҳурматли таҳририят!

Бизни қийнаётган бир масалада ёрдам берсангиз. Газетхонларнинг саволларига ҳамisha муфассал жавоб беришингизга кўниқиб қолганимиз учун ҳам бу чигал масалада ҳам ёрдамнингизга умид қиламиз. Шояд шу йўл билан вазиятга ойдинлик киритсак...

Чилонзорнинг 8-мавзесида яшаймиз. Гаражларимиз – ёнгинамизда, улар кўриқланадиган кўнимгоҳда жойлашган. «Чилонзор авто» шуъба корхонаси билан ижара шартномаси тузганмиз. Шартномада Чилонзор тумани ҳокимлигининг 28.05.1993 йилдаги 189 ҳамда 27.12.2005 йилдаги 91-Ғ-қарорларига ҳавола ҳам бор. Ана шу қарорларга асосан кўнимгоҳга ер ажратилган. Ижара тўловидан ташқари шуъба корхонасида ер солиғи тўлаш учун квитанция ёзиб беришарди. Квитанцияда олувчи деб ДСИ кўрсатилган. Яқинда шуъба корхона раҳбариятидан гаражларни олиб ташлаш ҳақида кўрсатма олдик. Бизнинг бу борадаги саволларимизга шуъба корхона раҳбарияти шаҳар ҳокимлигининг давлат тилидаги хатини (4.06.2012 йилдаги 1-4/999-сон хат) рўқач қилди. Аммо хатда гап гаражларни кўчириш ёки олиб ташлаш ҳақида эмас, балки кўнимгоҳларнинг ҳудудларини тартибга келтириш ҳақида боради. Бизнинг ҳудудимиз четан девор билан ўралган, ёритиш ва кўриқлов тизими мавжуд. Кўнимгоҳдан кўп қаватли уйлар ёнига чиқилмайди, бинобарин аҳолига ҳалақит қилинмайди. Шуъба корхона идорасида гаражлар олиб ташланганидан кейин бу жойда усти очиқ кўнимгоҳ ташкил этилади ва шу йўл билан машиналар кўйиш учун жой кўпаяди деб тушунтирган бўлишди. Уйларнинг йўлакларини олдидаги ва йўлаклардаги машиналар шу зайил кўнимгоҳдан жой олар экан. Мақсад, албатта, жуда хайрли, аммо бундай майдонча қурилишига оид лойиҳа ҳам, бу ишни қилган пудратчи ҳам йўқ, бор гаражларни йўқотиш хусусида эса кўрсатма берилган. Янги майдончада автомашиналар кўйиладиган жой қанчага кўпаяди, янги кўнимгоҳ қанча муддатда қурилади сингари масалаларга оид ҳисоб-китоблар йўқ. Бу иш бир кунда бўлмаслиги аниқ. Бинобарин, одатда қурилиш ишлари анча чўзилади, демек биз ҳам машиналарни уйимиз яқинига ва болалар майдончаларига кўямиз. Яна бир гап. Кўнимгоҳ қиймати тахминан 10 марта ошади, демек гараж эгаларининг баъзилари янги кўнимгоҳдаги жой учун ҳақ тўлаши мушкул. Оқибатда машиналар ўрин алмашади ҳисоб: илгари йўлакларнинг олдида турган машиналар кўнимгоҳга ўтади, гаражда турган машиналар эса йўлакларнинг олдида кўйилади.

Гаражларни ўрнатиш ва уларни жойидан олиб ташлаш масалалари қайси норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади? Гараж эгаси сифатида бизда қандай ҳуқуқлар бор? Шуъба корхона қарори устидан шикоят бериш учун кимга мурожаат қилишимиз керак? Ана шу саволларга жавоб беришингизни жуда-жуда истардик.

Ҳурмат билан гаражларнинг эгалари.

Ассалому алайкум! Юнусобод туманида яшаётган бир гуруҳ одамлар дуч келган мураккаб вазиятга ойдинлик киритишда ёрдам берсангиз. Гап шундаки, шу кўламда гаражларимизга уларни 2012 йилнинг 20 мартига қадар олиб ташлаш хусусида эълон ёпиштириб кетишибди. Биз бу хусусда ахборот олиш учун гаражлар бошқармасига мурожаат қилдик, аммо у ердагилар бунақа кўрсатма бермаганмиз, бу ҳақда ҳеч нарса билмаймиз деб айтишди. Кўпчилик буни ҳокимнинг буйруғи демоқда. Мумкин бўлса, бу ўзи қандай қарор ва у нимага асосланади – айтиб берсангиз.

Валентина.

Хайрли кун! Пуллик автокўнимгоҳда ўзимга қарашли алоҳида жой (бокс) бор. Яқинда кўнимгоҳдаги гаражларимизни олиб ташлашармиш деб эшитдим. Ҳозирнинг ўзидаёқ гаражларнинг дарвозаларини ўз хоҳишимиз билан олиб ташлашимизни сўрашмоқда. Автокўнимгоҳимиздаги гаражлар расамади билан бир қатор қилиб қурилган, ҳаммасининг дарвозаси бир хил. Шу сабабли автокўнимгоҳнинг кўриниши ҳам чакки эмас. Пуллик автокўнимгоҳлардаги гаражлар олиб ташлаш ҳақидаги гаплар қанчалик тўғри эканлигини, нима сабабдан бундай ҳаракат жоизлигини тасдиқловчи ҳужжатлар йўқлигини тушунтириб берсангиз.

Рустам.

Ҳурматли таҳририят! Сергели туманидаги пуллик, ҳа, ПУЛЛИК кўнимгоҳда алоҳида бир жой (бокс) эгасиман. Ҳозирги кунда ана шу жойларни йўқ қилиш ҳаракатига тушишган. Айтингчи, бу иш қонунийми? Агар қонуний бўлса, гаражларни олиб ташлашда қандай ҳужжатларга асосланолмоқда? Борди-ю, бу иш ноқонуний бўлса, айтингчи, биз нима қилишимиз керак?

Владимир.

Тўрли бўлмаларга ажратилган, узоқ вақт сақлашга мўлжалланган умумий фойдаланишдаги мавжуд автокўнимгоҳларга оид янги талаблар чиқарилганми?

Алишер.

РАСМИЙ ЖАВОБ

Таҳририятга қилинган кўплаб мурожаатларнинг, шу жумладан телефон, e-mail орқали ва сайт бўйича қилинган мурожаатларнинг бир қисми бўлган ана шу бир нечта хатни олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилдик ва газетхонлар тавсиф этаётган вазиятни тушунтириб беришларини, шунингдек саволларга жавоб беришларини сўрадик.

Мурожаатимизга шундай жавоб олдик:

– Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаси Тошкент шаҳар ҳокимлигига йўлланган 4.07.2012 йилдаги 98-сон хатингизни кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади:

1. Асосан шаҳарсозликнинг замонавий талабларига жавоб бермайдиган металл гаражларни олиб ташлаш мавзе фуқароларининг мазмунли бўш вақтини таъминлаш, аҳоли дам олиши учун қулай шароитлар яратиш, болалар ўйин майдончалари ва усти очиқ автокўнимгоҳлар барпо этиш мақсадида қабул қилинган «Намунали маҳалла» дастури билан тартибга солинади.

2. Олиб ташланган гаражлар ўрнида чети ўралган ва кечалари ёритиладиган очиқ, кўриқланадиган ёки кўриқланмайдиган автокўнимгоҳлар барпо этиш режалаштирилмоқда. Келгусида, агар қурилиш нормалари ва қоидалари имкон берса, майдончаларда амалдаги ШНКга биноан замонавий кўп қаватли гаражлар қуриш режалаштирилмоқда.

3. Гаражларни бузиб ташлаш уларнинг эгалари ҳисобидан амалга оширилади, майдончаларни ободонлаштириш, тартибга солиш ва орасталаш ишлари эса ҳомийликка жалб этилган юридик ва жисмоний шахслар томонидан туман ҳокимликлари раҳбарлиги остида амалга оширилади деб мўлжалланмоқда.

Бошлиқ ўринбосари
Р.Т.РАҲМАТУЛЛАЕВ.

ТАҲРИРИЯТДАН

Бугунги кунда жамоат гаражлари тушунчаси «маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарори ёки фармойиши билан ажратилган ер участкаларида ташкил этиладиган, уларда автотранспорт воситаларини сақлаш жойлари аниқ жисмоний шахсларга бириктирилган, фуқароларнинг транспорт воситаларини сақлаш жойлари» тариқасида, шахсий гаражлар тушунчаси эса «маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарори ёки фармойиши билан транспорт воситалари эгаларига ажратилган ер участкаларида, яшаш жойи яқинида уларнинг маблағлари ҳисобига қурилган фуқароларнинг автотранспорт воситаларини сақлаш иншоотлари» тариқасида тартибга солиш механизми ҳам бўлмаган биттагина норматив-ҳуқуқий ҳужжатда мавжуд (Вазирлар Маҳкамасининг 5.04.2010 йилдаги 63-сон қарори билан тасдиқланган Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-банди).

Шу сабабли ҳам фуқароларнинг ўз мулклари ҳолати ҳақидаги ташвишларини тушунса бўлади. Зотан бундай мулкка бўлган ҳуқуқ мамлакатимиз қонун ҳужжатлари билан кафолатлангандир. Йиллар мобайнида тежаб-тергаб йиғилган маблағга сотиб олинган ва эндиликда кўпчилик учун ҳою-ҳавас буюмидан ҳам кўра кўпроқ кундалик рўзғор учун ишлатиладиган нарсага айланган, баъзилар учун эса ҳатто даромад келтирувчи манба бўлиб қолган автомобиль кўз очиб юмгунча бўлган фурсатда назоратсиз қолиш таҳдидига мубтало этилаётганлиги фуқароларни турли идораларга шикоят ва хат билан мурожаат қилишга ундамоқда.

Маълумки, ҳар қандай ҳуқуқ бурч ва мажбуриятлар билан боғлиқ, булар эса ё қонун билан белгиланади, ёки ҳуқуқ муносабатлари иштирокчилари ўртасидаги шартнома билан ўрнатилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай шартномани имзолашга жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш лозим. Негаки уни (шартномани) имзолаган пайтдан эътиборан қандайдир имтиёзларга эга бўлишдан ташқари тарафларнинг келишувидан назарда тутилган мажбуриятларни ўз ихтиёримиз билан зиммамизга оламиз.

Шуниси ҳам борки, ҳар қандай муносабат шартномага асосланмоғи керак. Қонун талаби ҳам шу. Аммо шу нарса маълум бўлдики, мурожаат этганлардан ҳеч бири ҳозирги кунга қадар гараж ёки автомашина кўйила-

диган жой учун ер бериш хусусида ҳокимлик қорхоналари билан ўзлари имзолаган шартнома матнлари ҳақида лоақал ўйлаб ҳам кўришмаган. Ҳолбуки, гараж ёки машина кўйиладиган жой эгалари шу шартномага биноан вақтида ҳақ тўлаб туришлари ҳамда **вақтинча фойдаланиш учун берилган ер участкасини биринчи талабнинг ўзидаёқ бўшатиб беришлари** керак эди.

Бундай шартномаларнинг намуналарини ўрганиш шуни кўрсатдики, **ҳокимликлар ҳамда улар томонидан тузилган унитар ёки шуъба қорхоналар шартномага биноан гаражни олиб ташлаш ва ўз ҳисобидан бошқа ҳудудга (бўш жой бўлган тақдирдагина) кўчиришни талаб қилишга ҳақли.** Шуниси ҳам борки, шартномада баъзи ҳолларда муддат борасида «дарҳол», бошқа ҳолларда эса «уч кун мобайнида» деб айтилган.

Таассуфки, бу шартномаларда фақатгина гараж эгасининг жавобгарлиги назарда тутилган, шартнома бекор қилинган тақдирда ҳокимлик қорхоналари учун қанақа оқибатлар келиб чиқиши ақс этмаган. Кўрсатиладиган хизматлар қиймати (мамлакатимизда белгиланган ер солиғидан бир неча баравар кўп) 100 фоиз олдиндан тўлаб қўйилган тақдирда тўланган пул маблағларини қайтариш механизми ҳам назарда тутилмаган.

Шунга қарамай, **бундай вазиятда ҳамма нарса Фуқаролик кодекси билан тартибга солинадиган шартнома ҳуқуқи билан ҳал этилмоғи лозим.**

Мулкдор ўз ҳуқуқини ҳимоя этиш учун қаерга мурожаат қилиши керак деган масала ечимининг икки усули бор.

Биринчи усул – шартнома бўйича тараф билан, бу ўринда туман ҳокимлиги билан музокара столи атрофига ўтириб, автокўнимгоҳ барпо этиш ва шахсий транспорт воситаларини сақлаш юзасидан келишувга эришишга ҳамда мавжуд шартномаларнинг шартларини қайта кўриб чиқишга ҳаракат қилиш лозим.


Иккинчи усул – фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат этиш керак, суд шартнома шартларини ўзгартириш мажбуриятини юқлашга ҳақли ёки ҳеч бўлмаганда, мавжуд шартномалар муддатидан илгари бекор қилинган тақдирда олдиндан тўлаб қўйилган пулнинг қайтариб берилишига ёрдам қилади.

Агар шартнома тарафи сифатида давлат муассасаси иштирок этаётган бўлса, низолашиш янада мураккаб кечиши тушунарли бўлса керак. Қолаверса, шаҳар теграсидаги ер участкасига тадбиркорлар ўртасида талаб катта эканлигини ҳам унутмаслик лозим.

Ўйлаймизки, давлат бозор иқтисодиёти шароитларида барибир ижтимоий муносабатларни бошқарувчи вазифасини адо этиши керак ҳамда бировнинг талаб-эҳтиёжини бошқалар ҳисобидан қаноатлантирмай, ҳеч бўлмаганда вазиятни эътиборсиз ва назоратсиз қолдирмай, тадбиркорлар ва жамоат манфаатлари ўртасида мурожаат йўлини топиши шарт.



СУГУРТА ЧИНАКАМ ЁРДАМ, АММО БОЙИШ ВОСИТАСИ ЭМАС



Бундай қараганда, замонавийдек кўрингани билан суғурталаш институти қадим-қадим даврлардан бери мавжуд. Суғурта иши аста-секин ривож топа бориб, жаҳон иқтисодиётида етакчи мавқени эгаллаб олди.

ЎТМИШГА БИР НАЗАР

Унинг энг кўхна тури мол-мулк суғуртасидир. Яхудийларнинг диний, маиший, ҳуқуқий қонун-қоидалари бўлмиш Талмуд китобларидан бирида подачиларга ўз эшакларини суғурта қилдиришга рухсат этувчи қоидалар таърифланган. Агар улардан бирининг эшаги йўқолиб қолса, подачилар унга ёрдам учун бошқа эшак беришган, аммо муҳтож одамга (подачига) пул бериш тақиқланган.

Суғуртанинг бошланғич шакллари милoddан аввалги 1792–1750 йиллардаги Хаммурапи қонунларида ҳам акс этган. Чунончи, 48-параграфга биноан қарз берган одам тошқин бўлиб сув босганда ёки қаттиқ кўроқчилик бўлганда қарзнинг шу йилги улушини, табиий офатга дучор бўлган ер участкасидан олиниши лозим бўлган ғалладан фоиз талаб қилиши мумкин эмасди.

Маълумки, Финикия, Қадимги Миср, Қадимги Юнонистон ва Рим кemasоз тужжорларининг шартномалари анча машхур. Савдо-сотик иштирокчилари одатда савдо карвонлари аъзолари ўртасида табиий офат, қароқчилар ҳужуми ёки ўғирлик ҳолларида ўзаро ёрдам кўрсатиш юзасидан келишув тузишган. Бунда товарлар ва транспорт воситаларига суғурта объекти деб қаралган. Зарарларнинг ўрнини қоплаш мақсадида Суғурталовчилар ўртасида иттифоқлар тузилган. Келишувда айтиб ўтилган табиий офат рўй берган тақдирда, жабрланувчига етказилган зарарларнинг ўрнини жабрланмаган қатнашчилар ўз ҳисобларидан қоплаб берганлар.

Шахсий суғуртанинг куртаклари Қадимги Рим аҳлига ҳам яхши маълум эди. Диана ва Антонийга сифинувчиларнинг суғурта жамияти мавжуд бўлиб, у анча демократик хусусиятда эди. Зотан бу жамиятга эркин, озод кишилардан ташқари куллар ҳам аъзо бўлиб кириши мумкин эди. Жамият аъзолари кириш бадаллари тўлашган. Мабодо аъзолардан биронтаси вафот топса, уни дафн этишни жамият ўз зиммасига олган, шу билан бирга пулларнинг бир қисми мархумнинг ворисларига берилган. Қадимги Римда легионерлар кассалари ҳам машхур эди. Жангчилар давлат томонидан суғурта қилдирилган, бироқ легионерларнинг ўзлари ҳам муайян бадал тўлашган. Шу зайил боқувчисини йўқотган яқин қариндошлар суғурта то-

вонини олиш имкониятига эга бўлган.

Вақтлар ўтиши билан суғурталаш шартлари ўзгара борган. Ўрта асрлар Италиясида камбағалларга ўз қизларини сеп билан турмушга узатиш имкониятини берувчи муассасалар очилган. Қиз туғилганда унинг отаси муайян миқдорда пул суммаси тўлаган – бу қиз 18 ёшга тўлиб, турмушга чиқадиган бўлганда унга сеп берилган. Мабодо қизнинг қазоси етган бўлса ёки турмушга узатилмаса, бадал касса мулки бўлиб қолаверган. Бунга ўхшаш кассалар кейинчалик бутун Европада пайдо бўлди, аммо Германияда бағоят ривож топди.

Айни ўша кезлари суғуртанинг муҳим принциплари, яъни **суғурта ҳимояси бойиш учун хизмат қилмаслиги керак** деган принципга асос солинган. XV аср ўрталарига қадар Фарбий Европада суғуртанинг нотижорат тури равақ топди. Суғурта иши ҳали асосий мақсади кўшимча қиймат олишга ва уни суғурта ташкилоти муассислари ўртасида тақсимлашга қаратилган тадбиркорлик фаолиятига айланмаган эди.

ҲАЁТНИ СУГУРТАЛАШ АСОСЧИСИ

XVII асрда Францияда Тотти фамилияли венециялик шифокорнинг ғояси рўёбга чиқарилди, шу-шу уни ҳаётни суғурталаш асосчиси деб ҳисоблайдилар. Бинобарин суғурталашни ёшга қараб даражалаш ишини у жорий этган.

Ўша кезлари Франциянинг молия бобидаги аҳволи ачинарли ҳолатда эди. Тотти давлат заёмлари чиқаришни таклиф этди. Бу ишга жалб этилганлар ёшга кўра ўн гуруҳга бўлинди. Иштирокчиларнинг ҳар бири 300 ливрлик заёмга ёзилган эди. Ўз ёш гуруҳида умри вафо қилиб ошини оша-

ётганлар вафот этганларнинг меросхўрига айланарди. Шундай қилиб, ҳар бир гуруҳда бор суммани мерос қилиб оладиган битта одам қолиши мумкин эди.

РОССИЯДА СУГУРТА ИШИ

Суғурта бобида Россиянинг тажрибаси ҳам эътиборга лойиқдир. 1897 йилдаёқ Россия империясида ҳаётни суғурта қилиш билан 5 та суғурта компанияси шуғулланган бўлиб, шулардан 3 таси чет эл компанияси эди. Ҳаётни суғурта қилиш бозори иштирокчилари тобора кўпая борди. 1904 йилга келиб мамлакатда фаолият олиб бораётган суғурта компанияларидан фақатгина

«СУГУРТА РЕКОРДЛАРИ КИТОБИ»

• Суғурталаш ривожланганлиги даражаси бўйича жаҳонда АҚШ биринчи ўринни, ҳаётни суғурталаш соҳасидаги кўп йиллик пешқадамлик эвазига ўз мавқеини кўлдан бой бермаётган Япония эса иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Ўзининг суғурта аъналари билан танилган Буюк Британия – учинчи ўринда. Шундан кейинги ўринлар Германия, Франция ва Италияга тегишли. Жанубий Корея ҳам пешқадамлар қаторида. Собиқ социалистик мамлакатлар ўртасида жаҳон бозорининг 0,3 фоизини назорат қилаётган Россия Хитойдан (0,63%) кейинги, иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

• Мулкий суғурта бўйича тарихда биринчи полис 1347 йили Барселонада берилган. Ҳаётни суғурталаш бўйича илк суғурта полиси эса 1583 йили Англияда рўйхатга олинган.

• Россия суғурталаш иши соҳасида раҳбарлик ўринларини эгаллаб турувчи аёллар миқдори кўрсаткичи бўйича жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Россия суғурта компанияларининг юқори бўгин раҳбарларидан ҳар учтасидан бири аёл бўлса, Европа мамлакатлари бўйича бу борада ўртача кўрсаткич 5 фоизга ҳам бормайди.

14 таси йил охирига келиб ҳаётни суғурталаш бўйича 935 миллион рублдан ортиқ суммадаги мукофот пулини йиғишга муваффақ бўлган. Дарвоқе, айни Россияда ишчиларни корхона маблағлари ҳисобидан суғурталаш таомили жорий этилган. Ҳатто шу хусусда махсус қонун чиқарилган. Касалхона (бемор) кассалари ҳам биринчи бор Россияда таъсис этилди. Бу ҳозирги тиббий суғуртанинг илк шаклларида биридир.

АНГЛИЯНИНГ ЎРНИ БЎЛАК

Ҳар қалай Англия суғурта ватани ҳисобланади. Айни шу ерда XVII асарнинг охирида ёнғиндан суғурталаш бўйича кўплаб акциядорлик жамиятлари юзага келди (1666 йили Лондонда ёнғинлар 70 минг кишининг ҳаётига зомин бўлган эди).

Вақтлар ўтиши билан қаҳвахонанинг диний мижозлари бирлашиб денгиз билан боғлиқ таҳдид-таваккалчиликларни қоплашда биргаликда иштирок эта бошладилар, ҳар ким полисга ўз жавобгарлигига монанд бўлган миқдордаги суммани ёза бошлади.

Суғурта иши иқтисодиётга талафот келтираётган бошқа номатлуб омиллар ва табиий офатларга қарши курашда ҳам аста-секинлик билан бўлса-да қўллана бошланди.

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини, транспорт воситаларини, мол-мулкни суғурта қилиш сингари мулкий суғуртанинг қатор турлари пайдо бўлди.

Англиянинг ўзида 1699 йили дастлабки профессионал ташкилот пайдо бўлди. Бу ташкилот аввалига бевалар ва етим-есирлар ҳаётини суғурталаш билан шуғулланди. Маълум вақтдан кейин биринчи суғурта компаниясига айлантирилди. Буюк Британиядагина эмас, балки бутун жаҳонда суғурта иши тарихи ўз ибтидосини ана шу компания ташкил топган пайтдан (XVIII аср бошлари) бошлади.

www.carmio.ru



Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
тел. 283-44-57
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келмавермайди.
Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

«Норма маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Норма» газеталари бирлашган таҳририяти МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида «ТОПРИНТ» МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 409 Адади 2 780. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2012 йил 13 августда соат 13.00 да топширилди.
ISSN 2010-5223